

МИЛЛАТ КОНЦЕПТИ ФАОЛЛАШУВИДА ТИЛ ФРЕЙМИ ФАОЛЛАШУВИ

Бўриева Нилуфар Гофур кизи

Қарши Муҳандислик

иқтисодиёт институти

Хорижий тиллар кафедраси

инглиз тили фани ўқитувчиси,

Қарши шаҳри, Ўзбекистон

***Аннотация.** Мақолада концепт мундарижасида тил соҳибларининг дунёқараши ва бошқа турли миллий-маданий белгиларининг акс топиши муқаррарлиги, ундан ташқари миллийик ва маданийликнинг кучи шундаки, ҳатто умуминсоний аҳамиятга эга бўлган концептларнинг мундарижаси ҳам турлича қўшимча, коннотатив маъно бўлақларига эга бўлиши мумкинлиги хақида таъкидлаб ўтилган.*

***Калим сўзлар:** тил фрейми, лингвомаданий концепти, миллийик ва маданийликнинг кучи, коннотатив маъно.*

Тил, лингвомаданий концепт сифатида қаралганда универсал хусусиятга эга бўлади. Умумий планда концептларнинг кўпчилиги (эркинлик, ҳақиқат, бахт, виждон, англаш) вербал кўринишда “турлича номланиш” ёки “семантик дубликатлик” кўриниши билан изоҳланади. “Тил” концепти универсал концепт сифатида барча лингвомаданиятларга хос хусусият ҳисобланади. Табиий тил тушинчаси аниқ этник тиллардаги универсал ҳодисалар учрайдиган тилларга нибатан қўлланиладиган маълум белгилар тизимидир. Табиий тил онтологик статусга эга ҳисобланади. Шунингдек, семантик жиҳатдан объектив оламнинг субъектив образи ва тафаккур воситаси сифатида эса, у гносеологикдир.

Маълум табиий тилни лингвомаданий концепт нуқтаи назардан тасвирлаганда унинг асоси лексик бирликлар ва тилнинг белгилар сифатида тан олиниши ҳисобланади.

Маълум миллатнинг милли характерини шаклланишида унинг тарихи, тарихий ҳодисаларнинг ва шунингдек табиий муҳит ҳам муҳим ўрин тутди. Британия оролларида истиқомат қилувчи инглизларнинг мағрур ва хорижликларга беписанд муносабатда бўлишида мазкур халқнинг тарихий ўтмиши билан ҳам маълум маънода алоқадор. Шунингдек инглизлар индивидуалликга ҳам эътибор қаратишади. Бунинг исботи сифатида мен “Г” сўзининг бош ҳарфда ёзилишида кузатишимиз мумкин. Машҳур ёзувчи Марк Твен инглизлар борасида “Инглиз кишиси бирор амални аввал шу каби ишлар

бажарилганлиги боис қилади” деган мунсабатда бўлади. [5, с. 39].¹ Инглиз миллий характери оролнинг географик ва табиий иқлими таъсирида ҳам шаклланди. Иқлимнинг мўтадиллиги уларнинг темпераментларида намаён бўлади. Бу уларнинг ўз табиатига бўлган муносабатларида, урф-одатларида кўзга ташланади.

Англияда инглизларга хос бўлган ва инглиз этносининг тарихий ўтмиши билан боғлиқ урф-одатлар мавжуд бўлиб, мазкур одатлар Британияда яшовчи инглизларга хос ҳисобланади.

Интернет маълумотида инглиз миллатига қуйидагича таъриф берилади:

The British see **self-possession** as the highest quality of human character. They regard the free display of emotions as vulgar and antisocial. They value highly the ability to stay calm in all kinds of situations and leave things unsaid.

In one word - British are extremely reserved people. They are also considered to be industrious, polite, tradition-loving, courteous, honest, extremely nationalistic and etc. They are known to have **a specific sense of humor**. Their humor is delicate.

English people are famous for their **habit of politeness**. It is considered polite to give up one's seat to a woman who is standing, to open a door for her, carry things for her, and so on. Most British people expect the person in front of them to hold the door open for them. People think you are rude, if you don't do this. English people are very reserved. This means that they don't talk much to strangers, and don't show much emotion. A reserved person never tells you anything about himself. But the people of the North and West of Britain are much less reserved than those of the South and East. Most British people queue when they are waiting for a bus or waiting to be served in a shop. But during the rush hour, when a bus or train arrives, people often push forward to make sure they get on. This is called jumping the queue. British people keep their old traditions and are very proud of them. (<https://studfile.net/preview/5707721>)

Яна бир интернет маълумотида инглизларга “to be born English was to have drawn first prize in the lottery of life” (<https://englandcalling.wordpress.com/2010/11/01/english-national-identity>)” таъриф берилади. Бу “to be born English was to have drawn first prize in the lottery of life” яъни инглизларнинг миллат сифатида ўзларини қадрлашлари, миллий

¹ Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание. —М.: Наука, 1993. —187 с.].Твен М. Афоризмы и шутки. —М.: Просвещение, 1988. —62 с.

гурурнинг мавжудлиги ва шунингдек такаббурлигини англатади. Мазкур хусусиятлар инглиз миллатининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Инсонлар томонидан тўпланилган билим, тажриба тилда ифодаланадиган маънолар системасида ифода планига кўчади. Она тилни ўзлаштирган индивид сўз маънолари системасини англаб боради ва натижада тил инсоннинг олами англашда, дунёқарашини шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Амеркалик этнолингвист олимлар Э. Сепир ва Б. Уорфлар тил шакллари халқ маданиятига боғлиқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилишади. Олимлар Амеркада истиқомат қиладиган баъзи хиндулар тилини ўрганиш натижасида “тилнинг биринчи функцияси мулоқат деб қаралса, кейинги тасаввур сифатида урф-одатларнинг объектив реалликдаги кўриниши деб қараш мумкин” деган хулосаларга келишади (Сепир, 1993: 189-190 Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, Универс, 1993. – С. 26-203. Б. Уорфнинг таъкидлашича: «Языки различаются не только тем, как они строят предложения, но и тем, как они делят окружающий мир на элемент; которые являются материалом для построения предложений» (Брутян, 1968: 4). Б. Уорф фикрига амал қиладиган бўлсак олами лисоний харитасини англашда берилган тил соҳиблари тилининг лексик ва грамматик қурулишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик муҳим ҳисобланади. Тилнинг грамматик қурилиши тиллар қиёсида фарқ қилади. Жумладан, бирор тилда мавжуд бўлган маълум грамматик категориялар иккинчи тилда учрамаслиги мумкин. Маълум грамматик категорияларнинг тараққий этиши асрлар давомида шаклланган миллатнинг характери билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Хусусан инглиз тили тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бир неча асрлар олдин замонавий инглиз тилида мавжуд бўлмаган грамматик категориялар мавжуд бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Инглиз тили грамматик системасининг ихчамлашуви айнан инглизларнинг тежамкорликка бўлган мойиллигида, ушбу этноснинг миллий хусусиятлари таъсирида юзага келган деган хулосага келиш мумкин.

Тил мазмуни борасида Э.Сепир “: «Лексика – очень чувствительный показатель культуры народа, и изменение значений, утеря старых слов, создание или заимствование новых - все это зависит от истории самой культуры. Языки очень неоднородны по характеру своей лексики. Различия, которые кажутся нам неизбежными, могут совершенно игнорироваться языками, отражающими абсолютно иной тип культуры, а эти последние в свою очередь могут проводить

различия, непонятные для нас» (Сепир Э. Язык. Введение в изучение речи // Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, Универс, 1993. – С. 26-203. 195) деган фикрни илгари суради.

Оламнинг лисоний харитаси тадқиқотларига бағишланган ишлар орасида П.В. Чесноковнинг қарашлари ҳам эътиборга моликдир. У оламнинг лисони харитасини статик ва динамик турларга ажратади. Статик оламнинг лисоний харитаси тушунчаси тил системасида содир бўладиган ўзгаришлар ижтимоий ўзгаришларга нисбатан қўлланилса, динамик лисоний харита тилнинг лексик сатҳи билан боғлиқ баъзи камчиликларда акс этишини эътироф этади. П.В. Чесноковнинг издошларидан бўлган Л.Н. Чурилина субъектив ва объектив турларга ажратади. У оламнинг лисоний харитасини билимлар мажмуаси деб билади.

Бирор табиий тилнинг лингвомаданий концептини таҳлил этишда мазкур тилда асосий лексик бирликни ташкил этадиган семиотик белгиларга эътибор қаратиш муҳим.

Хусусан инглизлар тарихида муҳим аҳамият касб этадиган шаҳар номлари ҳам маълум концептуал асосга эга ҳисобланишади. Айниқса Британия пойтахти бўлган Лондон инглиз халқи маданий-маърифий маркази ва тарихий мазмунога кўра инглизлар когнитив структурасида ўзига хос концептни ташкил этади. Масалан: «*It is important to view London as a decentredcentre: a metonym not just of the empire that once controlled the world but also, increasingly, of the world that the empire once controlled*» (Ball, 2004:13)].

Когнитив структурага боғлиқ ҳолда концептлар фаолиятнинг турли сатҳларини фикрлаш жараёнида фаоллаштиради. Маълум бир концептуал мазмунни амалга оширилиши учун минимал лисоний ва когнитив матн муҳим бўлади. Кичик матн ўз навбатида маданий ўзига хос бирлик ҳисобланади ва ўзида берилган маданиятга стереотип бўлган маълумотни сақлайди. Инглизлар учун Лондон нафақат пойтахт, балки миллий идентификацияни объект сифатида намоён этувчи макон тарзида кадрлашади. Хусусан, инглизлар маданиятида “Лондон” концепти «urban area» ҳамда «capital city» – *vide infra* каби маъноларни сақлайди. Лондон шаҳрининг концепт сифатида намоён бўлиши айнан инглиз маданияти ва ўз навбатида тилида тутган ўрни билан боғлиқ. Шу каби пойтахт бошқа маданият ёки этнос тушунчасида концепт сатҳида қаралмаслиги мумкин.

Сатҳлар аро концептуал боғлиқликлар метафора таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур таҳлил когнитив лингвистикада иккита сўз маъносини

боғловчи асосий тафаккур жараёни, иккита тушунчавий майдонни бирлаштирадиган образ воситаси сифатида тушунилади. Инглиз маданиятига хос бўлган концептуал тушунчалардан бири бу “тил” концепти ҳисобланади. “Тил (language)” концепти инглиз тили матнларида этник белги сифатида намаён бўлади. Жумладан, Д. Неттл инглиз тили асосини Лондон диалекти ташкил қилиши борасида ва унинг инглиз миллати учун муҳимлигини куйидагича таърифлайди: “As the epicenter of British economy and culture, not to mention central command for what was once the world’s most powerful empire, it would follow that London is the linguistic incubator from which English was born. (Nettle D. Using social impact theory to simulate language change. Oxford: Oxford University Press. 1999. 108: -P 95–117.)”

Тил нафақат тилшунослар мулки, баълки бутун этноснинг мулки эканлиги ҳам муаллифнинг фикри доирасдан четда қолмайди: ““Language is not made for scholars and etymologists” 106. Инглизлар ўз тиллари билан фахирланишади ва унинг адабий нормаларига амал қилинишига жуда катта эътибор қаратишади: “To encourage better spelling of the English language, to make easier, more logical, and more rapid the world of pupils in learning to read, and to reduce the cost of printing and writing.” 108. Мисол учун ўтган асрнинг ўрталарида Американи бошқарган президент Рузвельтнинг “the spelling measure was “anything very great at all.” “our spelling a little less foolish and fantastic” 114” деган фикрлари Англияда кескин норозиликларга сабаб бўлди. Жумладан, *The Globe* журнали расмий хат билан куйидаги фикрларни билдириб ўтди: “that in literature the United States still remains a province of England.” 116 Mr. President, get your damn hands off our language. 116

“Тил” концептининг лексик бирлик сифатида қўлланилиши кўпгина ҳолларда изоҳ тушунчасида намаён бўлади. Инглизларда “тил” тушунчаси “*tongue*” ва “*language*” лексик бирликларига эга. Инглизларнинг тилига бўлган ҳурматлари концептуал нуқтаи назардан куйидаги бирикмаларда ифодаланади: *native speech, native tongue, mother tongue*. Масалан: “Well,” said Gabriel, “if it comes to that, you know, Irish is not my language.” (Joyce 1914); *He broke into a mixture of Italian and French, instinctively using a foreign language when he spoke to her* (Lawrence 1920); *He went on: “I work mainly in London. You speak English?” he added in that language* (Christie 1934); *That he was neither English nor American was evident from the fact that he could not understand her native tongue* (Burroughs 1929); *The man was clearly Scots, but his native speech was overlaid with something*

alien, something which might have been acquired in America or in going down to the sea in ships (Buchan 1922).

Бадий фантастик асарларда тил этник инсонга хос хусусият сифатида эмас, балки бошқа планетада истиқомат қилувчиларга хос хусусият сифатида ҳам баҳоланади: *All the races of mankind on Venus (at least those that I have come in contact with) speak the same tongue* (Burroughs 1935); *A voice speaking Atreides battle language came into the tent* (Herbert 1956); *His final words had been in Thari, my native tongue* (Zelazny 1985).

Таъкидлаб ўтилган изоҳ тушунчаси нутқда ҳам ўз ифодасини топади. Мазкур ҳолларда ҳам тил этник белги эканлигини сақлаб қолади. Масалан: *"Ages ago," Urthred continued, "we certainly used to speak languages."* (Wells 1923); *She sat and watched them and she felt herself an alien among them, as alien and lonely as if she had come from another world, speaking a language they did not understand and she not understanding theirs* (Mitchell 1936); *I found myself speaking in a language that I hadn't realized I knew* (Zelazny 1970); *'Would she have been wonderful, then, if she had been able to talk in some unknown language?' said Hannele jealously* (Lawrence 1923).

Маълумки тил нутқда намаён бўлади. Нутқнинг ўзлашиши жараёнида этник қадриятлар индивид онгига сингиб боради. Мазкур боғлиқликнинг комбинацияси натижасида шаклланган тил ва маданият оламнинг лисоний харитасини шаклланишининг асоси ҳисобланади. Албатта тил ўз тушунчасига кўра изоҳли белги сифатида семантик таркибни ташкил қилади. Семантик таркиб эса эмоционал, тафаккур билан боғлиқ инсонга хос хусусиятлардир. Инглизлар наздида тил тафаккурда тасвирий хусусиятларга эга борлиқдир: *My mother had said no painter could get such a colour. And neither were there any words in the language to describe it* (Robins 1913); *If Lady Caroline was upset, there are no words in the language that will adequately describe the emotions of Percy* (Wodehouse 1919); *The idea plunged back out of sight – untranslatable in language* (Blackwood 1911); *There are no words in any language to depict the fiendishly bestial cruelties and indignities they inflicted on his poor, quivering flesh* (Burroughs 1939).

Инглиз тили тарихида тил ўзгаувчанлигининг эволюцион жараёнлари маълум мисолларда сақланиб қолган: *It felt good to speak these words openly, reminding his listeners that only here among the innermost Tleilaxu were the old words and the old language preserved without change* (Herbert 1984).

Инглиз тилининг оммавийлашуви натижасида инглиз тили маълум маънода демократик бўлиши кераклиги борасидаги фикрлар ҳам йўқ эмас “The man who undertakes to censure others for the use of certain words and to decide what is or is not correct in language seems to arrogate to himself a dictatorial authority, the legitimacy of which will always be denied.” DAVID WOLMAN 94”. Албатта, бу ерда нафақат инглиз тили балки умуман тил борасида фикр юритилмоқда. Албатта тил борасидаги мазкур қарашлар оламнинг лисоний харитасига эмас, балки кўпроқ назарий қарашлар деб қабул қилсак бўлади: *We can never dispense with language and the other symbol systems; for it is by means of them, and only by their means, that we have raised ourselves above the brutes, to the level of human beings* (Huxley 1954).

Тилда содир бўладиган ўзгаришлар борасида Б. Уорф куйидагича фикр билдиради: “тил...содир бўлаётган барча ўзгаришларга эътибор қаратади, аммо секин ва кучсиз, аммо тафаккурда ўзгаришлар жуда тезликда, лаҳзада амалга ошади” .

Тил маълум этноснинг умумий маданий бирлиги сифатида таъкидлансада, унинг индивидуал характерга эгаллиги, нутқ жараёнида баъзиларнинг гапириш жараёни бошқаларга нибатан кенгликни ва фикрлаш борасидаги фарқларнинг мавжудлиги ҳам инглиз паремиологиясида учрайди: *Great talkers fire too fast to take aim; The eternal talker neither hears nor learns; Great talkers are like leaky pitchers, everything runs out of them; The talk of idle persons is never still; Many speak much who cannot speak well; The greatest talkers are the least doers; Great barkers are no biters; Who knows most, speaks least.*

Инглиз тилидаги маълум иборалар нутқга, коммуникантга, мулоқат жараёнига эътибор қаратилиши кераклиги борасидаги маълумотларни ўзида сақлайди: *Tell not all you know, all you have, or all you can do; Whom we love best, for them we can say least.* Баъзи нутқ билан боғлиқ мақол ва иборалар мулоҳазали бўлишга чақиради: *Say well or be still.*

Инглиз мақоллари сўзлашдан кўра тинглаш, мушоҳада қилиш каби жиҳатларни эътиборга олади: *Hear much, speak little; Keep your mouth shut and your ears open.*

Шунингдек, инглиз мақолларида тил ва мушоҳада, тафаккурни қатрловчи мақоллар кўпчиликлари ташкил қилади. Уларнинг баъзиларида нутқ ва жисмоний фаолият таққосланади: *Fair words fill not the belly; He who gives fair words, feeds you with an empty spoon; Fair words will not make the pot play; Good words fill not a sack; Talk is but talk; but 'tis money buys land; Talking pays no toll; Easier said*

than done; Save your breath to cool your porridge; Doing is better than saying; It is better to do well than to say well; A little help is worth a deal of pity; Good words without deeds are rushes and reeds; Deeds will show themselves, and words will pass away.

Маданий кадриятлар даврлар давомида шаклланган ва миллатнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этиб берадиган ва бу жараёнлар маълум кўринишларда тилда акс этувчи жиҳатлардир. Миллий кадриятлар она тилида паремиялогик сатҳда, лексик бирликларда, фразеологик бирикмаларда, семантик хилма-хилликда, фонетик урғу ва шунингдек грамматик шаклларда ифодаланади. Кўриб чиқилганидек миллатга оид маълум концептлар ўша миллатнинг паремиялогияси, фразеологиясида тилшуносликнинг бошқа сатҳларига нисбатан очикроқ кўринишда ифодаланади.

Албатта тил ўрганиш одатий маданий хусусият бўлиш билан бирга авлоддан авлодга етказиладиган маданий кадрият ҳамдир. Шунингдек, атроф муҳит ва шахсий генга оид боғлиқликни таъминловчи тафаккур шароитларини ҳам талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чурилина Л.Н. Концепт «любовь» в русской наивно-языковой картине мира // Филология и культура: Материалы III-й Международной научной конференции. – Тамбов: ТГУ, 2001. – С. 54-62.)
2. Чесноков В.П. О двух картинах мира – статической и динамической / В.П. Чесноков // Известия СКНЦ ВШ. Общественные науки. – 1989. – №3. – Ростов н/Д: Изд-во РГУ. – С. 63-69.)
3. Баришников, Н. В. Чет тилини номукамал билиш билан маданиятлараро алоқанинг хусусиятлари. /
4. Н. В. Баришников / / Турли шароитларда маданиятлараро мулоқотни ўргатиш: мақолалар тўплами. Пятигорск, 2000. - pp. 5-12.
5. Бергелсон, М. В. маданиятлараро алоқа тадқиқот дастури сифатида / М. В. Бергелсон / / Москва Давлат университети Бюллетени. Серия 19. Тилшунослик ва маданиятлараро алоқа. - 2002. - Но. 1. - pp. 167-181.
6. Фурманова, В. Р. Ўқитиш назарияси ва амалиётида маданиятлараро алоқа ва маданий-лингвистик прагматика чет тиллари: Реферат. ... иш учун. уч. кадам. Педагогика фанлари доктори: 13.00.01. - М., 1994. – 58 п.